

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI
 VAZIRLAR MAᖘKAMACI XUZURIDAᖘI FAN VA
 TEXNOLOGIYALARNI RIVOJLANᖘIRIᖘINI
 MUVOFIQLAᖘHIRIᖘI QŪMITACI
 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MEᖘNAT VAZIRLIGI
 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOᖘIYA VAZIRLIGINING
 QARORI

466 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2827*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2016 йил 1 октябрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги 5, 40 ва 88-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисо-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

бига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2717, 2015 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 530-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологиялари ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси** **Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 23 сентябрь,
7-сон

Меҳнат вазири

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 сентябрь,
30-қ/қ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 сентябрь,
72-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазир-
лиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил
23 сентябрдаги 7, 30-қ/қ, 72-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	2 315 248
	фан доктори	2 221 186
	фан номзоди	2 127 639
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	2 127 639
	фан доктори	2 052 046
	фан номзоди	1 960 242
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	2 052 046
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1 960 242
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 885 161
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	1 960 242
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1 885 161
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 809 656
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1 960 242
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1 885 161
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1 809 656

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	1 885 161
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	1 809 656
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 720 345
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	1 720 345
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1 632 052
	илмий даражага эга бўлмаган	1 545 725
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	1 632 052
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 545 725
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	1 460 116
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	1 288 276